

МУСИҚАДА МУМТОЗ АДАБИЙ ЖАНРЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Зайлобиддинова М.А.

*Фаргона Давлат Университети муסיқа таълими ва
санъат мутахассислиги 1-босқич магистранти*

Аннотация: Ушбу мақолада мумтоз маданий меросимизнинг муסיқий талқинда қўлланилиши, адабий жанрларнинг замон рухиятига кўчиши ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: “Ай тун ,Умар хайём “Шайх ур раис” шарқ классик адабиёти, хутба фалсафаси;

Бугунги кун долзарб муаммоларидан бири муסיқа соҳасига қизиқишнинг йўқолганлиги муסיқий тилнинг соддалашиб, тобора саёзлашиб бораётгани фалсафий дунёқарашнинг шакллантириб,ёш авлодни кўхна адабий жанрларимизни мохиятан англашга ундайди. Замон композиторларининг фикрича ёш авлодни панд насихат руҳида тарбиялашнинг бирдан бир усули фалсафий асарларни замонавий темпераментда тақдим қилишдан иборатдир.

Ўзбекистон композиторларининг ижодий репертуарларидан мумтоз асарлар албатта мукамал жой эгаллайди.Ўзбек хор муסיқаси тарихидан маълумки¹,хозирги давр композиторлик(бастакорлик) ижодиётида ўзбек мумтоз шеърляти юксак ўрин эгаллаб келади.Бастакорларнинг Ибн Сино, Умар Хайём,Бобур ижодиётига қизиқишлари ортгани сезилмоқда.Чиндан ҳам инсон энг аввало Ўзликни англаши тарихини мумтоз миллий адабиётини мислсиз сир асрорларни қадимги фалсафанинг янгича талқинларини очмоғи лозим. Шу билан бирга Яссавий,Увайсий,Нажмиддин Кубро,Муҳаммад Раҳим Роғиб, Махмуд Кошғарий, Имом ал Бухорий, Аҳмад ал Фарғонийларнинг маънавий мэърослари қайта тикланмоқда. Айтайлик, Бугунги кунда санасак арзигули мумтоз адабий мавзулардаги операларимиз қувонарли даражададир. М. Бурхоновнинг “Алишер Навоий” операси, М.Бафоевнинг “Умар Хайём” операси, С. Жалил “Зебунисо”,И.Акбаровнинг “Лайли ваМажнун” балети, фикримизн нг яққол далилидир. Айнан рубоий жанрига тўхталадиган бўлсак, 1980-1990 йиллардаги жўрсиз муסיқанинг ривожини бастакорларнинг шу жанрда кўпдан кўп илмий изланишлар олиб борганлигидан гувоҳлик беради. Юқорида айтиб ўтганимиздек, М.Бурхонов, С.Жалил, И.Акбаров,М.Бафоев. Н.Норхўжаевлар ўзбек мумтоз шерияти намоёндалари Ибн Сино,Навоий,Байрамхон,

¹Л.Жумаева “Ўзбек хор адабиёти тарихидан” т “Тошкент” 2000,144б.

Нодира, Увайсий Хайём рубоийлари хор адабиётида мусикий композиция сифатида янгради.

Б.Умиджонов:

“Ай, тун” (XI аср) Нажмиддин Кубро. “Муштокдир” (XX аср) Мухаммад Роғиб. “Дилишодинг бўлсин” (XII аср) Хаким Санойй. “Гул ишқида” (XVI аср) Байрамхон. “Эй дўстлар” (XI аср) Нажмиддин Кубро.

Н.Шарафиева қайта ишлаган “Фарёд” лирик драматик асари асосида Муножот а капелласи яратилди.

Айниқса мавзуни яққол ўзига Умар Хайём ҳаёти ва ижодида тўхталадиган бўлсак улкан фалсафий қарашлар нодир намуналар рубоийлари орқали намоён бўлади. XI асрда яшаб ижод этган ушбу файласуф инсоният ҳаётини тамомила қамраб олувчи бир қатор панд насиҳат руҳидаги ғояларни тараннум этган (айниқса рубоий жанрида ёзилган) намуналари беқиёсдир. Ўрта асрларнинг энг йирик риёзиётчиси, файласуф ва мунажжим Умар Хайём ижоди улкан бир хазина десак муболаға бўлмайди. Умар Хайём 1048-йил 18-майда Нишопурда чодир тикувчи (ҳайма) оиласида туғулади. Унинг тахаллуси ҳам отаси шуғулланган касб Хайём-чодир тикувчи уста деган маънони беради. 1079-Хайём янги ислоҳ қилинган календар ишлаб чиқаради. Бу календар эса ҳозирги кунда амал қилинаётган Григорян календаридан ҳам аниқ бўлган. Умар Хайём илмда ҳам ижодда ҳам ўзини Шайх Ур -Раис Абу Али Ибн Синонинг шогирди ҳисобланган. Байҳақийнинг такидлашича Фалсафий илмлар математика ва мантиқни тамомила ўзиники қилиб олган эди. Хайём 26 ёшида Салжукий хукмдор Жалолиддин Маликшоҳ ва унинг маърифатпарвар вазири Низомилмулк давъатига биноан Исфохонга келиб, расадхона ташкил этади. Бизгача математик олимнинг “Мушкулот ул ҳисоб” (Арифметика мушкулотлари) Алгебра вал муқобала (қаршилиқ назарияси) исботлари ҳақида рисола рисола Фи-л-вужуд (Борлиқ ҳақида рисола) Хутба фалсафий назарияси асарлари етиб келган. Олимларнинг фикр қилишича Умар Хайём машҳур математик бўлиб илмий ишлардан зерикканларида дафтар хошиясига бир жуфт рубоий битиб кўяр эрди. Кейинчалик ушбу байтлар Адабиёт майдонида шоирни файласуф сифатида гавдалантирди. Умар Хайём рубоийлари дунёнинг деярли барча тилларига таржима қилинган. Илк бор 1859-йили Эдуард Фитцжералд инглиз тилига ўгирилган 75та рубоийси XIX асрнинг ўрталарида оммалашган бўлса 1925-йилга келиб эса нашр ададлари сони 4 барабарга ортди. Кейинчалик эса А.Арберри, Ф.Розен, Уинфилд, П.Эйрви, Ж.Хезетабз мутражимлар тўлдирган нусхалари 100тадан 1000тагача етган. Хайём рубоийларида ҳаётнинг ёрқин силсиласи хур фикрликка дўстлик уйғотиш туғилиш ва ўлим, яхшилик ва ёмонлик, ҳалол ва ҳаром бир хил : ўз қонуниятлари акс этиради.

Умар Хайём ҳақида маълумот берувчи манбалар турлича тавсифлар билан тавсия этадилар. “Тухфату-ш-шомия” муаллифи Хайёмни бир ҳайъат олими

Низомий Арузий бир мунажжим, Шайх нажмиддин розий эса “Мирсоду-л-Ибод” асарида бир дахрий файласуф деб кўрсатади. Умар Хайём хаётига бағишланган Я.Илёсовнинг қиссаси ҳам “Сармаст мунажжим” рукни билан бошланган.

Шарқ классик адабиётида асосий ролни шеърят эгаллайди. Шарқ шоирлари бу илҳом ва маҳорат билан меҳнат қилиб келганлар. Инсон тақдири, бугуни ва эртаси ҳақида шеър ва қўшиқларда талқин этиб келганлар. Рубоий арабча сўз бўлиб, унинг луғавий маъноси тўртлик тўрттадан деган маънони беради. Истилоҳий маънода эса бу сўз ғоявий бадиий ва шаклий шартларга биноан фалсафий 4 мисрали фалсафий-дидактик ишқий мавзудаги асардир. Шу ўринда қизиқarli маълумот сифатида “Ғиёс ул луғатда” ёзилишича, етти ёшли туя, тўртга кирган қўй, қора мол ва от ҳам рубоий дейилган. Чунки бу ҳайвонлар шу ёшларда тўрттадан тишга эга бўлишаркан. Рубоийларнинг қофияланиш системаси икки хил кўринишга эга.

Қиш мавсумида қурилса бир тоза ўтов,

Ёнса ичида қуруғ созоқ бирла олов.

Армони бўлурми Дахр аро ул кишининг,

Ким анда тузуб базм.еса ёғли палов.

Бу рубоий а,а,б,а шаклида қофияланган бўлиб, учинчи мисра қофияланмаган ҳолда бўлади.

Ёнушғон эмиш қаро булутқа моҳим,

Гардунни совирмоғлиқ эрур дил хоҳим.

Кирмиш қаро туфроққа қуёшдек моҳим,

Невчун қаро қилмасун қуёшни оҳим.

Иккинчи кўриниш бу а,а,а,а тарзида қофияланган рубоийдир. Бу типдаги рубоийларни асосан Қобул Муҳаммад “Рубоийи тарона”, Муаллим Ножий “рубоийи мусарра”, Алишер Навоӣ уларни “рубоия” деб атади. Ўзбек филология фанлари доктори машҳур фолклоршунос 40-йилларда рубоий жанрини таҳлил этиб қуйидаги фикрларни айтади: “Рубоий деган сўз арабча бўлиб, тўртлик демакдир. арузнинг хазаж баҳри, Ахрам ва ахрабида ёзилган асардир.” бир сўз билан айтганда шоир кечинмалари тўрт мисрагагина жойланиб кетадиган сиқик, ва бир олам маънони ўзида акс этира оладиган лирик жанрдир. Ўзбек шеърлятида Алишер Навоӣ, З.М Бобур, П.Маҳмуд. ижодида рубоийларга катта урғу берилади.

Умар Хайём ўзидан кейинги Шарқ адабиётига кучли таъсир ўтказган. Масалан, Ф.Атторнинг “мухторномаси” 5000та рубоийни ўз ичига олади. Мирзо Бедил 3861та рубоий, Абдуллоғх Ансорийга 2000дан зиёд рубоийга нисбат берилади. Ж.Румий девонида 1994тарубоий киритилган. Рубоийлар тематик жихатдан учта гуруҳни ўз ичига олади: 1.Фалсафий рубоийлар.

2.Ишқий рубоийлар.

3.Таълимий-ахлоқий рубоийлар.

Рубоиётда энг юқори кўрсаткични фалсафий рубойлар ташкил этади. Инсон хаётининг ажралмас қисмини қалсақнинг актуал муаммолари қамраб олади. Шу сабабдан юқори ўринда фалсафий рубойлар туради.